

## Шоядки такводор бўлсаларингиз (Йигирма тўққизинчи қисм)

Муаллиф:

08.08.2013 13:56 - Янгиланди 30.06.2017 23:11

---

Normal 0 false false false MicrosoftInternetExplorer4

### Шоядки, такводор бўлсаларингиз

#### Йигирма тўққизинчи қисм

**«Албатта, такводорлар учун Роббилари ҳузурида наъийм жаннатлари бордур».** (Калам сураси, 34-оят)

**«Ва албатта, у (Қуръон) такводорлар учун эслатмадир».** (Хаакко сураси, 48-оят)

Чунки такво бўлмаса, Қуръондан ваъз-насихат олиш мумкин эмаслигини Аллох таолонинг Ўзи ирода қилган.

**«Аллохга ибодат қилинглари, Унга такво қилинглари ва менга итоат қилинглари».** (Нух сураси, 3-оят)

**«Агар кофир бўлсаларингиз, болаларнинг сочини оқартириб юборадиган кундан қандай сакланурсиз?!»** (Муззаммил сураси, 17-оят)

Муаллиф:

08.08.2013 13:56 - Янгиланди 30.06.2017 23:11

---

**«Болаларнинг сочини окартириб юборадиган кун»** – киёмат куни экани ҳаммага маълум. Асосан, гам-гусса, кийинчилик ва ташвиш сочни окартириши ҳам ҳаммага маълум. Асосан, катта ёшдаги одамларнинг сочи оқаришлиги ҳам ҳаммага маълум. Ёш болаларнинг сочи оқармаслиги ҳам ҳаммага маълум. Одатда, сочи оқариши мумкин бўлмаган ёш болаларнинг ҳам сочларини окартириб юборишидан киёматнинг дахшати, унинг гам-гусса ва ташвишлари не даражада эканлигини билиб олса бўлаверади.

Бу ҳақда Имом Табарий куйидагиларни ёзган эканлар: «Болаларнинг сочига оқ тушириши унинг дахшати ва гам-гуссаси шиддатли эканидандир. Бу ҳолат Аллох таоло Одам алайхиссаломга: Ўз зурриётингдан дўзахга юбориладиганларни чақир. Мингтадан тўққиз юз тўқсон тўққизтасини, деганида, бўлади. Ўшанда ҳар бир гўдакнинг сочига оқ тушади».

**« Ва фақат Аллох хоҳласагина, эсларлар. У Зот такво ахлидир ва магфират ахлидир».** *(Муддассир сураси, 56-оят)*

Яъни борликдаги ҳар бир нарса Аллохнинг хоҳиши билан бўлади. Биз ожиз бандалар Аллохнинг хоҳиши нимага кетганини била олмаймиз. Айнан бизга Аллох таоло нимани ирода қилганини ҳам билмаймиз. Лекин Аллох таоло биздан нимани хоҳлашини яхши биламиз.

Буюрганларига итоат қилиб, қайтарганларидан қайтмоғимиз лозим.

Аллох таквога ахлдир. Яъни такводорларнинг гуноҳларини кечирувчи Зотдир.

Имом Ахмад ибн Ханбал ва имом Термизий Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилган ҳадисда «Расулуллох соллаллоху алайхи васаллам ушбу «У Зот такво ахлидир ва магфират ахлидир», оятини кироят қилдилар ва «Роббингиз: «Мен такво қилинишимга

## Шоядки такводор бўлсаларингиз (Йигирма тўққизинчи кисм)

Муаллиф:

08.08.2013 13:56 - Янгиланди 30.06.2017 23:11

---

ахлман. Бас, ким Менга такво килса, Мен билан бирга бошка илох килмайди. Бас, Мен уни магфират килишга ахлман», деди», дедилар».

**«Албатта, такводорлар соялар ва булоклардадир».** (Мурсалаат сураси, 41-оят)

Яъни бу дунёда Аллох таолога такво килиб яшаган, Унинг азобидан ўзларини саклаш учун амрларини бажариб, наҳйиларидан қайт-ган, тоат-ибодат ила ўтган аброр бандаларга киёмат куни сербарг дарахтлар сояси ва ажойиб булоклардан оқиб турган, кўз кўриб кулок эшитмаган шароблар бўлади.

Бизни йўқдан бор килиб яратган Зот! Куръонни бизлар учун эслатма килгин.

Бизларни болаларнинг сочини окартириб юборадиган кундан саклагин. Ўзинг такво ахлисан, магфират ахлисан, бизларни таквода бардавом килгин, бизларни магфират кил.

Наъийм жаннатларинг, сояю булокларинг ила бизларни сийла.